ЮКСАК МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ УЧУН

ЧКАЛОВ НОМИДАГИ САМОЛЁТСОЗЛИК ЗАВОДИ ФРЕЗЕРЧИСИ А. ДЕВЯТОВАНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ КЕНГ ҚАНОТ ЁЙСИН!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши.

№ 60 (4566).

26 МАРТ ЖУМА 1971-йил

Баҳоси 2 тийин.



СОВЕТ АТОМ ФАН ВА ТЕХНИКАСИНИНГ ЯНГИ КАТТА ЮТУҒИ

ТАСС АХБОРОТИ

Совет Иттифоқида бир неча киловатт электр қувватли атом термоэмиссион энергетика установкасини комплекс синовдан ўтказиш муваффақиятли суратда тугалланди. Бу установка белгиланган электр параметрларида лойиҳада кўрсатилган ресурсни тўла ишга солди. Ҳозирги вақтда бу установканинг иккинчи комплекти синаб кўрилмоқда.

Атом энергиясини бевосита (машинасиз) термоэмиссион тарзда электр энергиясига айлантирувчи совет установкаси жаҳонда ишга солинган шу типдаги биринчи установкадир.

Бундай установканинг вужудга келтирилиши совет атом фан ва техникасининг янги катта ютуғи бўлиб, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишнинг яна бир муҳим соҳасини очиб беради.

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

КПСС XXIV съезди шарафига бошланган меҳнат вахтасида туриб ишлаётган область чорвадорлари кўплаб гўшт, сут ва тухум етказиб бериш учун курашмоқдалар. Областда гўшт тайёрлаш уч ойлик плани 110 процент, сут — 101,6 процент, тухум — 101,3 процент адо этилди.

Оққўрғон районининг меҳнаткашлари, айниқса, яхши натижаларга эришдилар. Бу ерда гўшт тайёрлаш плани 139, сут — 110, тухум — 352 процент бажарилди. Шунингдек бўқаклар гўшт сотиш планини 131, сут планини 122 ва тухум тайёрлаш планини 129 процентга етказдилар. Юқори Чирчиқ райони чорвадорлари ҳам маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда қувончли натижаларни қўлга киритдилар.

Область чорвадорлари съезд очиладиган кунгача планга қўшимча равишда 500 тонна гўшт, 1000 тонна сут ва 1 миллион дона тухум етказиб беришга қарор қилдилар.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

Республикада Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда.

Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози коллективи шу хўжаликдаги илғор звено бошлиғи тракторчи Э. Алиевни сайлов комиссияси составига номзод қилиб кўрсатди. (ЎзТАГ).

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги 1-«Оҳангарон» совхозида кўкламги экиш қизғин давом эттирилмоқда. Суратда: эртаги картошка экиш. Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ).

КОММУНИСТИК ХИСЛАТ

— Беш йиллик — тўрт йилда!

— Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси ўз зиммасига меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича беш йиллик топшириқни муддатидан илгари — тўрт йилда бажариш учун шахсий мажбурият олди.

— Ташаббусимиз республикамиз саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари ишчи-хизматчилари, барча меҳнаткашлари томонидан қўллаб-қувватланишига ишончимиз комил.

— Ҳамма жойда меҳнат унумини оширишни тезлаштиришга ёрдам берадиган резервларни қидириб топайлик ва улардан оқилона фойдаланайлик. Зероки, у коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ барпо этиш учун олиб бораётган умумхалқ курашимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолсин.

Бу ҳароратли, ватанпарвар, оташқалб сўзлар Тошкентдаги Чкалов номли самолётсозлик заводи 3-цехининг фрезерчиси, СССР Олий Советининг депутати Альбина Александровна Девятованинг газетамизнинг 23 март сонида босилган мақоласида айтилган сўзлардир.

Бутун совет халқи, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари КПССнинг XXIV съездига қизғин тайёргарлик кўраётган ва шу муносабат билан халқимизнинг сиёсий ва меҳнат активлиги қудратли тўлқин каби жўш ураётган шу тарихий кунларда ўртоқ А. Девятова шундай ватанпарварлик ташаббуси билан майдонга чиқди. Альбина ва унинг касбдош дўстлари КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасини атрофлича муҳокама қилиб, ўтган беш йилликдагидек янги беш йилликда ҳам ғайрат ва ташаббус билан ишлаш, топшириқларни муддатидан олдин бажариш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, айниқса социалистик саноатни юксалтиришнинг асосий омилларидан бири бўлган меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан янги марралардни белгиладилар.

Меҳнатга коммунистик муносабат, партия ва ҳукуматимиз топшириқларини, Директивалар лойиҳасида белгиланган улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайрат ва қалб ҳароратини сафарбар этиш, мамлакатимиз қудратини ошириш, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида хизмат қилиш — совет кишиларига хос ажойиб фазилат ва олижаноб хислатдир. Оддий ишчи, юксак қалб эгаси Альбина Девятованинг бу ташаббуси ҳам тахсинга сазовордир.

— Улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин алоҳида таъкидлаганидек,— дейди Девятова,— меҳнат унумдорлиги янги, яъни коммунистик ижтимоий тузумнинг ғалабаси учун энг муҳим омилдир. Меҳнатимиз қанчалик унумли бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш шунчалик кўпаяди ва Ватанимизнинг қудрати янада ортади, халқимиз фаровонлиги ошади.

Ажойиб ташаббус кўрсатган фидокор, ватанпарвар Девятова ва унинг касбдош дўстлари меҳнат унумдорлигини ошириш йўлида йил сайин катта муваффақиятларга эришмоқдалар. У ишлаётган цех коллективи ўтган беш йилликда меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқни тўрт йилу олти ойда адо этди. Айрим ишчилар эса ундан ҳам юксак кўрсаткичларга эришдилар. Унинг ўзи эса беш йиллик планни уч йилу тўққиз ойда бажарди.

Областимизнинг саноати, транспорти ва қишлоқ хўжалигида план ва топшириқларни ортиғи билан бажараётган, меҳнат унумдорлигини йил сайин ошириб бораётган ажойиб коллективлар, хўжаликлар, цех ва бригадалар анчагина бор. Лекин баъзи корхона ва хўжаликларда меҳнат унумдорлиги юзасидан белгиланган топшириқларнинг қандай бажарилаётганлигига кўпинча камроқ эътибор берадилар. Натижада корхона, хўжалик ва коллективнинг йил якунлари кўрсаткичлари турли хил бўлади. Партия, хўжалик ташкилотларининг ходимлари бу масалага жиддий эътибор беришлари керак. Владимир Ильич Ленин айтганидек, коммунизм оддий ишчиларнинг меҳнат унумини орттириш тўғрисида, ғалла, кўмир, темир ва бошқа... маҳсулотларнинг ҳар бир пудини асраш тўғрисида фидокорона ва оғир меҳнатни енгадиган ғамхўрликлар пайдо бўлган жойда бошланади.

Янги беш йиллик улкан зафарлар билан одим ташлади. Саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар, қурилиш ташкилотлари коллективлари йилимизнинг дастлабки илк зафарлари ҳақида ғалаба рапортлари бермоқдалар. Квартал плани муддатидан илгари бажарилгани ҳақида хушхабарлар келмоқда. Партиямизнинг XXIV съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақаси тобора кенг қанот ёймоқда. Ҳар бир ишчи, колхозчи, инженер ва техник съезд очиладиган кунгача янги зафарлар қучиш, Ватанимизга пландан ташқари кўпроқ маҳсулот етказиб бериш аштнёқида меҳнат қилмоқда.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган Директивалари лойиҳаси янги, порлоқ истиқбол, янги юксалиш ва тараққиёт йўлларини белгилади. Халқимиз партия режаларини мамлакатимиз тараққиётининг янги планлари ва олға томон ҳаракатимизнинг порлоқ кўзгуси деб зўр қувоич ва мамнуният билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Ташаббускорларга офарин, Девятова ва унинг сафдошлари сафига қўшилинг. Янги беш йилликни муддатидан илгари бажариш учун курашга отланинг. Бу партия, Ватан, халқ даъватидир.



ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА АРИҚ-ЗОВУРЛАР ВА КОЛЛЕКТОР-ДРЕНАЖЛАРНИ ТОЗАЛАШ ИШЛАРИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ЙИЛ 25 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — тозаланган, учинчи стун — шу жумладан қўл кучи ёрдами билан.

Бекобод	146,0	120,0
Бўка	127,0	103,0
Юқори Чирчиқ	107,0	100,0
Оржоникидзе	104,0	100,0
Оққўрғон	103,0	105,0
Пискент	98,0	124,0
Ўрта Чирчиқ	94,0	100,0
Калинин	91,0	103,0
Янгийўл	77,0	100,0
Бўстонлиқ	64,0	86,0
Область бўйича	103,0	105,0

ЧОРВАЧИЛИК ОЗУҚА ЭКИНЛАРИ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ЙИЛ 25 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — беда, учинчи стун — экилган маккажўхори.

Оққўрғон	104,4	75,0
Юқори Чирчиқ	101,9	23,6
Калинин	92,7	27,1
Бўка	87,7	27,3
Бекобод	82,9	21,7
Янгийўл	73,7	38,4
Пискент	62,2	19,0
Ўрта Чирчиқ	59,4	11,8
Оржоникидзе	49,3	2,2
Бўстонлиқ	33,2	2,4
Область бўйича	77,4	30,8

САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРАЙЛИК

Область партия комитетида сабзавоткорларнинг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашга сабзавотчилик билан шуғулланадиган районларнинг партия комитети секретарлари, ижроия комитетларининг раислари, совхоз директорлари, колхоз раислари, партия ташкилотлари секретарлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сифатини аниқлаш бўлимларининг инспекторлари иштирок этдилар.

Ўтган йилнинг якунлари ва сабзавоткорларнинг шу кунлардаги вазифалари ҳақида область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ С. Т. Тошқулов доклад қилди.

— Партия ва ҳукуматнинг яқинда кўрсатаётган катта ёрдами туфайли,— деди у,— кейинги учтўрт йил ичида областимиз хўжаликларида сабзавот маҳсулотлари етиштириш кескин кўпайди. Илғор хўжаликлар қишлоқ хўжалиги машиналаридан, ўғитлардан ва ишчи кучларидан самарали фойдаланиб, давлатга пландан ташқари сабзавот маҳсулотлари етиштириб бермоқдалар. Эндиликда шаҳарликларга йил давомида помидор, бодринг ва бошқа сабзавот маҳсулотлари етиштириш анча яхшиланди.

Шаҳар аҳолисига бундан ҳам кўп сабзавот етиштириб беришда барча резерв ва имкониятларни ишга солиш ҳар бир сабзавоткорнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим. Аммо шуни айтиш керакки, бир қатор хўжаликларнинг раҳбарлари ўтган йилда эришилган ютуқлар билан маҳлиё бўлиб, галдаги муҳим вазифаларни унутиб қўймоқдалар. Айниқса эртаги сабзавот етиштириш масаласига етарли эътибор берилмаяпти. Шу билан бирга, экинлар турини кўпайтиришда ҳам жиддий камчилик бўлмоқда.

Ўтган йили бир қатор хўжалик раҳбарларининг айби билан областда пландагига нисбатан 280 гектар ерга помидор, 230 гектар ерга сабзавот кам экилди. Бўстонлиқ районида пландагига нисбатан 11 гектар, Калинин районида эса 33 гектар ерга бодринг кам экилди. Бу эса экинлар турлари бўйича олинадиган маҳсулотнинг анча камайиб кетишига сабаб бўлди.

Областимизнинг энг йирик сабзавоткор райони ҳисобланган Калинин районида помидорларнинг ҳосилдор ва эртапишар навларини етиштиришга яхши аҳамият берилмади. Оқибатда пландагига нисбатан 6255 тонна кам помидор сотилди. Бекобод районида ҳам салкам бир минг тоннага яқин сабзавот кам етиштирилди. Пискент, Оржоникидзе, Бўстонлиқ районларида эса белгиланган майдонларга ўз вақтида бодринг экилмай қолди. Ўрта Чирчиқ райони сабзавоткорлари ҳам бодринг етиштиришда қониқарсиз ишладилар. Шунинг учун пландагига нисбатан 225 тонна кам маҳсулот топшириб, бу соҳадаги план атиги 39 процент бажарилди. Пискент районидаги хўжаликларда ҳам ана шундай аҳволни кўриш мумкин.

Кенгашда бир қатор хўжаликларда плёнкалар остига кўчат ўтказиш ва уни парвариш қилиш ҳаддан ташқари қониқарсиз бораётганлиги алоҳида кўрсатилди. Эртапишар помидор, сабзи, полиз экинларини экиш ҳаддан ташқари кечиктириб юборилмоқда. Бу соҳада агротехника қоидаларига тўла риоя этилмаяпти. Кўп хўжаликларда уруғ йўқ, баҳонаси билан эртаги кар тошка экишга ҳозиргача киришилмаган.

Кенгашда эртаги сабзавот маҳсулотлари етиштириш соҳасида етарли иш қилмаётган Калинин районининг бир қатор хўжаликлари раҳбарлари қаттиқ танқид қилинди. «Тошкент» совхози, Куйбишев номли колхозларда эртаги карам кўчати ўтказиш, пикировка қилиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Экинлар парваришини кучайтириб, уни тезроқ ҳосилга киритиш юзасидан зарур тадбирлар кўрилмаётир.

Кенгашда «Тошкент» богдорчилик ва виночилик ихтисослаштирилган трести раҳбарларининг адресига ҳаққоний, ўринли эътирозлар билдирилди. Бу трестга қарашли кўпгина совхозларда ҳалига қадар эртаги экинлар экиш тамомланмаган.

Калинин район ижроия комитетининг раиси Б. Тошхўжаев, шу райондаги Қуйбишев номли колхознинг раиси С. Шукуров, Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари П. Ю. Юсупов, шу районга қарашли Киров номли колхознинг раиси А. Музаффаров ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқишиб, эртаги экинлар экишни тезда тамомлаш юзасидан қандай чоралар кўраётганликлари ҳақида тапиришдилар.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Г. А. Габриэльянц қатнашди ва нутқ сўзлади. Кенгашда область ижроия комитетининг раиси С. Асомов, область партия комитетининг секретарлари Б. М. Истомин, З. Хўжаев ўртоқлар қатнашдилар.

Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Мусахонов кенгаш ишига якун ясади.

АНГРЕН ДАРЁСИ ЯНГИ ЎЗАНДАН ОҚМОҚДА

Ангрен ҳавзасидаги ёқилғи запасларини қазиб олишни кўпайтириш дарё ўзанини ўзгартиришни тақозо этарди. Шунинг учун ҳам 1965 йилда дарё йўлини ўзгартириш юзасидан ишлар бошлаб юборилди. Ўтган йиллар мобайнида мураккаб гидротехник иншоотлар комплекси — тўғонлар, тоннеллар, каналлар қурилди.

Мавжуд кўмир разрезидан юқорироқда дарё йўлини баландлиги 60 метр бўлган икки километр узунликдаги тўғон тўсди. Бунинг натижасида ҳажми 88 миллион кубометрли сув омбори пайдо бўлди. Февраль ойининг ўрталарида уни тўлдириш бошланди. Ҳозиргача омборда 16 миллион кубометр сув йиғилди. Сув омбори ўртасида чуқур сув қабул қилгич қурилган. Узунлиги 2187 метр босимли тоннель шу ердан бошланади. Унинг узунлиги 3,5 километрли босимсиз тоннель давом эттиради. Иккала тоннель бир-бирига қўшиладиган жойда Навгарзон тўғони қад кўтарган.

Гидротехник комплекс қурилишида жуда кўп коллективлар фидокорона меҳнат қилишди. «Главтоннельметрострой» 2-тоннель отряди, 121-қурилиш-монтаж поезди, «Узбекгидроэнергострой» трести нинг разрез қурилиши бошқармаси, «Узбекшахтострой» трести қурилиш бошқармалари, «Строймеханизация» трестининг механизация бошқармаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

23 март куни Ангрен сув омборининг биринчи навбати ва дарё суви ўзанини ўзгартириш юзасидан биринчи навбат қурилиш ишларининг тугалланиши муносабати билан тантанали митинг бўлди. Митингни шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Ғуломов очди.

Кўмир разрези бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Д. Лебедков бинокорларни катта ғалаба билан табриклади. Митингда 7-автомобиль транспорти контораси шоферн И. Терехов, 121-қурилиш-монтаж поезди проходкачилари бригадири В. В. Жеребцов, 2-тоннель отрядининг бошлиғи П. В. Канишчев, разрез қурилиши бошқармаси бошлиғи Б. Т. Балкоев ўртоқлар ҳам нутқ сўзладилар.

Митингда Тошкент область партия комитетининг секретари Н. И. Малихин нутқ сўзлади.

ШАҲАР ВА РАЙОН ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИДА

ПАРТИЯ РЕЖАСИ — ХАЛҚ РЕЖАСИ

Областимиз шаҳар ва районларида Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди ва Тошкент области XVI партия конференцияси якунларига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Йиғилиш қатнашчилари коммунистларнинг бу улкан аҳамиятли якунларини муҳокама қилиб, қабул қилинган қарорларни тўла маъқулламоқдалар.

ОЛМАЛИҚ шаҳар партия ташкилоти активи йиғилишида шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. М. Муҳамедов «Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди ва Тошкент область XVI партия конференцияси якунлари ҳамда шаҳар партия ташкилоти олдида турган вазифалар» тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар утган беш йилликда қўлга киритилган муваффақиятларни алоҳида тилга олдилар. Айни пайтда республика компартияси съезди ва область партия конференцияси қарорлари асосида бажарилиши лозим бўлган вазифалар устида ҳам тўхталдилар. Тўққизинчи беш йиллик планини муваффақиятли бажариш имконини берувчи қимматли таклифлар билдирдилар.

Актив йиғилишида муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

АНГРЕН шаҳар партия ташкилоти активи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Ғ. Ғуломов «Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди, область XVI партия конференцияси якунлари ва шаҳар партия ташкилоти олдида турган вазифалар» тўғрисида доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари съезд ва конференция қабул қилган қарорларни якдиллик билан маъқуллаб, қўйилган вазифаларни тўла-тўкис бажариш йўлида ўз куч ва ғайратларини тўла сафарбар этажакларини билдирдилар.

Актив йиғилишида муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

БЕКОБОД шаҳар партия ташкилоти активининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Аббосов «Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди, область XVI партия конференцияси якунлари ва шаҳар коммунистлари олдида турган вазифалар»и тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва музокарада иштирок этган нотиқлар партия ташкилоти раҳбарлигида ўтган беш йилликда эришилган муваффақиятларни қайд қилиш билан бирга янги беш йилликда коллективлар олдида турган вазифаларни ҳам кўрсатиб ўтдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди ва область XVI партия конференцияси якунларини якдиллик билан маъқулладилар. Актив йиғилишида муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



Суратда: Ангрен дарёси, янги ўзанининг очилиши.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР

ЖЎШҚИН ҲАЁТ



Иккинчи фабрикаининг озода, кенг ва ёруғ йигирув цехидамиз. «Ташкентстильмаш» заводи ишлаб чиқарган янги типдаги йигирув машиналари бир меёрда ишлаб турибди. Уларни махсус маршрут асосида бощқараётган аёллар, уларга кўмак бераётган планкачи ва съёмкачи қизларнинг қўли-қўлига тегмайди. Саф тортиб турган оппоқ патроклардаги пиликлар нозик толаларга таралиб йигирилмоқда.

Йигирувчилар орасида эски танишимиз, коммунистик меҳнат зарбдори, Ленин орденли Буалма Жўраева ҳам бор. Қорачадан келган, истараси иссиқ жувоннинг қуралай кўзлари йигирилаётган нозик толаларда. Машинани айланиб, узилган толаларни чаққонлик билан улаб юбормоқда. Унинг ҳатти-ҳаракатлари, сергаклиги тувда фарзандларининг ороми учун парвона бўлаётган бедор онани эслатади. Ахир, йигирилган толанинг бенуқсон бўлиши кейинги иш жараёнлари учун ниҳоят зарур-да. Яхши йигирилган калаваладан аъло сифатли газламалар тўқилади. Буалма буни яхши тушунади.

Шундай. Чеҳрасидан нур, билагидан куч ёғилиб турган аёл мана йигирма йилдирки, ўз касбини ардоқлаб келяпти.


Ҳозир комбинатда бирон-бир киши билан суҳбатлашиб қолсангиз албатта майин, самимий табассум билан Буалма номини тилга олади, унинг жонкуярлиги, меҳнатсеварлиги, камтаринлиги ҳақида гапурланиб ҳикоя қилади. У ўтган беш йиллик топшириғини 18 октябрдаёқ бажарди, пландан ташқари 5 тонна сифатли калава ипдан юбилейи медали билан тақдирланди.

Буалма Жўраева 1965 йилдан буён Ленин партияси аъзолари сафида. Тинмас-тинчимас аёл Тошкент область партия комитети аъзосидир.

Буалма Жўраева корхонада илғор ишчи, кўпчилик ҳурматини қозонган ташкилотчи бўлиши билан бирга оилада меҳрибон она ҳамдир. Катта ўғли Қурбон 5-синфда, Қаҳрамон 4-синфда, қизи Холида эса 2-синфда яхши баҳоларда ўқишмоқда. Унинг турмуш ўртоғи Иўлдош Жўраев ҳам комбинатнинг илғор электромонтёри. Икки ёш комбинат бағрида таниниб, турмуш қуришган.

Яқинда Буалма Жўраева партиямиз XXIV съездига делегат қилиб сайланди. Бундай бахтга сазовор бўлган оддий ишчи Москвага ёруғ юз билан боради.

К. РЎЗИЕВА,
«Тўқимачилар овози» газетасининг редактори.



Куни кеча Чорвоқ ГЭСининг иккинчи агрегати электр энергияси бера бошлади. Эндиликда нуроҳонанинг қуввати 300 минг киловаттга етди. Суратда: иккинчи гидроагрегат монтажи синаш олдидан яна бир бор кўздан кечирилмоқда.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

БУНЁДКОР СИНФ МАДҲИ

Ўзбекистон КП Бўстонлиқ район комитети ва меҳнаткашлар депутатлари район Советининг органи «Коммунизм учун» газетаси партиямиз XXIV съезди арафасида бир қатор ибратли ишлари амалга оширди. Газетанинг 27 февраль сони авангард синф — ишчиларга бағишланиб чиқди.

Газетанинг 25 март сони эса тўлалигича бунёдкор синфдеҳқонларга бағишланди.

Бу сондаги «Меҳнаткаш ва бунёдкор» сарлавҳали бош мақолада ҳам, «Ишчилар синфига ҳамдаму ҳамкор, бунёдкор деҳқонга доим сафар ёр» умумий сарлавҳаси остида берилган қўшсаҳифа материалларида ҳам район қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг кечаги ва бугунги ҳаёти, истиқбол режалари тўла-тўкис баён қилинган.

Район қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Б. Усмонов ўз мақоласида газетхонлар эътиборини саккизинчи беш йиллик якунлари ва тўқизинчи беш йилликда коллективлар олдида турган вазифаларга қаратган. «Ленинград» колхози звено бошлиғи А. Гуломов эса «Касбимизни шарафлаймиз» сарлавҳали мақоласида соҳибкорларни ҳосилдорликни ошириш, ички резервлардан унумли фойдаланиш, ҳалол меҳнат қилишга чақирган. Бошқа ҳабарлар, фотолавҳалар ва корреспонденцияларда ҳам съезд руҳи сезилиб турибди.

Редакция коллективи шу кунларда яна бир махсус сонни тайёрлаш билан банд. Газетанинг 30 март сони барча галабаларимиз илҳомчиси ва ташкилотчиси Коммунистик партияга бағишланиб чиқади. Редакциянинг бу ибратли ишлари мақтовга сазовордир.

КИМЁГАР



Нина Михайловна Гузенко кундан-кун чирой очиб яшараётган Чирчиқ кўчаларини кезишни жуда севади. Бугун ҳам у комбинат дарвозасидан чиқиб, одатича шаҳар айланди. Назарида шаҳар янада гўзаллашгандай, кенгайгандай эди. Дарҳақиқат, шаҳар ўсяпти, Чирчиқда катта қурилиш ишлари боряпти. Деярлик ҳар куни ҳовли тўйлари нишонланяпти.

Нина Михайловна уйига янги катта таассуротлар билан қайтди. Бу ерда уни бощқа бир шодлик кутаётган эди. Ўғли Василий кутиб ўтирарди. Бир зумда хона қувончга тўлиб кетди. Ойлаб дийдор кўришмаган она жигарбандини яссиқ бағрига босди.

— Нега энди хабар қилмадинг?

— Сизларни овора қилгим келмади.

— Оббо бўталоғим-эй, сени уйда куттириб, бамайлиҳотир шаҳар кезиб юрганингни қара!

— Жуда яхши қилибсиз-да, шаҳримиз жуда гўзаллашиб кетибди. Ҳа, айтгандай, сизни партия XXIV съездига делегат қилиб сайлашгани билан чин қалбимдан қутлайман. Атайин табрик этгани келдим. Ўртоқларим газетада ўқишган экан, дарҳол менга етказишди. Мана, ўша газета!

Она ҳарбий курсант кийимидаги ўз ўғлига меҳрла термулиб боқаркан, телба хаёллар бир зум унинг вужудини банд этди. Кўз олдида ногаҳон даҳшатли уруш, оғир мухтожлик йиллари бирин-кетин гавдаланди.

Нина Михайловна уруш бошланган ўша даҳшатли йилларда ҳали ёшгина қиз эди. Тенгқурлари қатори у ҳам кўнгилли бўлиб фронтга йўл олди. Шимолий Кавказ фронтининг 790-автобатальонида, сўнгроқ эса 2-Белоруссия фронтининг автополкида санитарка бўлиб ишлади. Неча-неча юзлаб яралорларга жанг майдонида ёрдам берди, уларнинг ҳаётини сақлаб қолди. У Ватан урушида кўрсатган хизматлари учун бир қанча медаллар билан тақдирланди. Кўксини «Санитария хизмати аълочиси» нишони безади.

Киши энг бахтиёр кунларида бошидан кечирган оғир дамларини эсларкан. Лекин она қалбини тўлқинлантирган бощқа сабаб ҳам бор эди. Уруш қолдирган оғир жароҳатлар битиб кетди. Тинч ва осойишта замонда яшаяпмиз. Ҳар бир оилада қувонч ва шодлик ҳукмрон. Нина Михайловна Гузенконинг оиласи ҳам ана шундай бахтиёр совет оилаларининг бири. Ўғли Василий Рибалко номидаги Тошкент танк командирлари олий ўқув-юртида таҳсил оляпти., Аълочи курсант.

...Нина Михайловна Чирчиққа кўчиб келгач, давлат электрохимия комбинатининг даволаш пунктида ишлай бошлади. Жангу жадал йилларида орттирган бой тажрибаси, ишчанлиги уни тезда бутун коллективга таништди. Бу орада у Тошкентдаги медицина билим юртини битириб, дипломли шифокор ҳам бўлиб олди.

Бу аёлнинг жуда яхши бир фазилати бор, у актив жамоатчи. Бу ажойиб хислат унга коллектив ҳаёти билан чуқурроқ таништишга, жуда кўп дўстлар орттиришга ёрдам берди. Унда аста-секин кимёгарлик касбига меҳр-муҳаббат уйғона борди. 1961 йили ўз хоҳиши билан комбинатда аппаратчи бўлиб ишга ўтди.

Ҳа, мана ўшанга ҳам роппароса ўн йил тўлибди. Энди у малакали ишчи, коллективда катта обрўси бор. Сурати «Ҳурмат тахта»дан тушмайди. Лепин юбилейи йили Нина Михайловна ҳаётида, у меҳнат қилаётган цех коллективи ҳаётида унутилмас йил бўлди. Меҳнатда ажойиб ғалабаларга эришган аҳил коллективнинг довруғи бутун корхонага овоза бўлди. Юбилей йилининг кўчма вимпели доимий сақлаш учун шу цехда қолдирилди. Цехдан 7 киши, шу жумладан Нина Михайловна ҳам «Шавкатли меҳнати учун» Ленин юбилейи медали билан тақдирланди.

Коммунистик меҳнат зарбдори Нина Михайловна Гузенко шу кунларда партиямизнинг бўлажак XXIV съездига шахсий тўёна ҳозирлаш учун шижоат кўрсатиб ишламоқда. У смена нормасини 140—160 процент адо этиб, меҳнатда барчага намуна бўлмоқда. Жамоатчи аёл ишлаб чиқаришдагина эмас, Директивалар лойиҳасини ишчилар орасида кенг пропаганда этишда ҳам чинакам коммунистчасига ўрнак кўрсатмоқда. У комбинат партия комитетининг аъзоси, цех партия группасига раҳбарлик қилмоқда. Сиёсий ахборотчи. Цехда ҳафтанинг ҳар жума куниси «Партия ҳодими куни» деб эълон қилинган. Ҳозиргача у ишлаётган цехда съездга бағишлаб партия ва ишлаб чиқариш темасида бир неча бор машғулот ўтказилди.

Аҳил цех коллективи съезд шарафига зиммасига юксак социалистик мажбурият олиб ишламоқда. Кимёгарлар 28 мартгача квартал планини бажариш ва март ойининг сўнгги икки кунида ишлаб чиқарган ҳомашё ҳисобига ишлашга аҳд қилишган. Ойлик планларини ортиғи билан бажариб келаётган меҳнатсеварлар бу сафар ҳам ўз сўзларининг устидан, албатта, чиқадилар.

...Нина Михайловна ўғлининг келишган бўй-бастига боққанича ҳамон хаёлга чўмиб ўтирарди. Энди унинг кўз ўнгида ўтмиш хотиралари эмас, ўз меҳрибон онасини қувона-қувона табриклаётган бахтиёр ўғлининг шўх кулиб турган чеҳрасигина намоён эди.

Она ўрнидан қўзғалиб, ўз жигарбандини яна бир бор бағрига босди:

— Раҳмат, ўғлим!

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

МИКРОСКОПЛАРНИНГ КАТТАСИ

Францияниг Тулуза шаҳрида жойлашган электрон оптика лабораториясида 3 миллион ватт қувватли гигант электрон микроскоп яратилди.

Бир ярим миллион вольт кучланишда ишлайдиган бу микроскоп трубаси ҳам ўзига яраша. Унинг баландлиги 10 метр, вазни 22 тонна. Унда электронлар нур тезлигига яқин тезликкача ҳаракат қиладилар.

Мазкур микроскоп ёрдамида илгари ўрганилганидан 25 баравар қалин бўлган металл намуналарини ўрганиш ҳамда жонли бактерияларнинг фотосуратларини олиш мумкин бўлади.

ДЕНГИЗ ВА ОИНА

Бу иккови ўртасида қандай алоқадорлик бор, деб сўрарсиз. Мана бундай.

Маълумки, ҳар қандай энг қаттиқ материал ҳам денгиз сувига бироз солиб қўйилса, дарров занглаб, ёрила бошлайди. Бироқ, бундай денгиз ваннаси фойдали бўлган бир материал бор экан. Бу юзаси босим остида мустаҳкамланган оддий ойнадир.

Ойна катта босим остида денгиз сувида роса уч йил сақланиб, сўнг текширилиб кўрилганида унинг яна ҳам мустаҳкам бўлиб, қолганлиги маълум бўлди. Ундан ташқари, ойна одатдагидан 5—15 процент эгилувчан бўлиб қолган.

ПОЕЗДМИ ЁКИ МАШИНА?

Маълумки, яқинроқ масофага юк ташишда темир йўлдан кўра тош йўл фойдалироқ. Аммо, оғир юкларни оддий автомашинада ташиб бўлмайди, негаки, йўл тез бузилади. Эндиликда оғир юкларни ташишда бундай ноқулайликка чек қўйиш мақсадида кўп ғилдиракли махсус прицеплар ишлаб чиқариляпти.

Ғарбий Германиядаги «Шерли» фирмасида ишланган 96 ғилдиракли прицеп бу соҳада техниканинг энг сўнгги рекордидир. Мазкур прицеп 300 тоннагача юк кўтара олади.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

ҚЎЗИЛАТИШНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

Қир ва адирлардаги қор эриб кетди. Баҳор бошланди. Кенг яйловларда ўтлар кўкариб, бўйига-бўй қўша бошлади. Колхоз ва совхозларда қўзилатиш кампанияси бошланди.

Қўзилатишни намунали ўтказиш ҳар бир чўпоннинг шу кунлардаги энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу иш пухта ташкил қилинган хўжаликларда қўйлар сони кўпаяди, маҳсулдорлиги оширилади. Давлатга қўй гўшти сотиш тезлашади. Шундай экан, партия, хўжалик ташкилотлари чўпоиларга ёрдам беришни ҳар тарафлама кучайтиришлари зарур.

Совлиқлар ва қўзилар доимо ветеринария-санитария талабларига тўла жавоб берадиган жойларда боқилиши мақсадга мувофиқдир. Қўзилатиш бошланишидан 10—15 кун олдин қўралар ни қайта кўздан кечириб, гўнгларни ташиб чиқариш, кейин сомон солиш лозим. Қўраларнинг четлари чий билан ўралиб, иссиқ бўлиши зарур.

Совлиқлар ва қўзилар шамоллаб қолмаслиги учун бошқа муҳим чораларни ҳам амалга ошириш лозим. Совлиқлар қўзилайдиган жойлар кенг ва ёруғ бўлиши керак, агар совлиқ қўраларда кўпайиб кетса, қўзи нобуд бўлиши мумкин.

Юқорида айтганимиздек, қўралар нам, зах бўлиб, елвизакка йўл қўйилса, қўзи тезда шамолнинг ғириллаши туфайли касалга йўлиқади. Туққан совлиқларга қаровни яхшилаш керак. Бинонинг катта-кичиклигига қараб 30—40 тадан охур тайёрлаб, унга ем-хашак ва тўйимли озуқа солинади.

Бу иш ҳар йили 4-«Оҳангарон» совхозида дуруст ташкил қилинади. Мўмин Холтўраев каби тажрибали чўпонлар совлиқларга қаровни намунали ташкил қилиб, қўзиларни яхши парваришлаб ўстиришади. Шунинг учун бу ерда қўзилар нобуд бўлмайди. Ҳар 100 совлиқдан 130—135 та етказилиб қўзи олинмоқда.

Совлиқлар туғиш ҳоналарига ўтказилиб боқида бошлангач, чўпонларнинг кеча ва кундуз навбатчилик қилишларини ташкил этиш муҳим ишлардан биридир. Улар совлиқларни туғишидан кўз-қулоқ бўлиб туришади, зарур ёрдамларни кўрсатишади.

Совлиқ туғиши билан дарҳол қўзиларнинг бетини шиллиқлардан тозалаш, киндигини 8—10 сантиметр узунликда қирқиб, уни махсус идишда тайёрланган доривор билан дезинфекция қилиб қўйиш лозим.

Агар совлиқлардан биронтаси бирданига учта қўзи туғиб қолса, бундай вақтда уларнинг бирини битта туққан совлиқни қўзиси ёнига қўймоқ керак. Ҳали унчалик қуриб етмаган қўзини «ўтай» совлиқ фарқига бормай, ўз боласи билан бирга уни ҳам парвариш қилиб, ялай бошлайди.

Янги туғилган қўзини ҳар 20—30 минут ичида эмиздириб туриш керак. Ёш қўзи онасини эмишда анча қийналади. Ўз гавдасини яхши тута олмайди. Қўзи эмишни ўрганиб олгандан кейин ҳар икки соатда сут берилади. Кейин онаси билан биргаликда бошқа хонага кўчирилиши керак. «Ўтай» қўзига қўшилган совлиқнинг то у қўзига ўрганиб олгунгача, яъни 2—3 кун ўша туққан жойнинг ўзида қолдириш маъқул. Бу вақт ичида қўзилар анча ўзининг қаддини ростлаб, эмишни ўрганиб олади.

Маълумки, совлиқ туққанидан кейин ўзидаги анчагина суюқлик моддаларни йўқотади. Шунинг учун туққандан кейин 1—1,5 соат ўтгач, унга 1—1,5 литр миқдорядаги илитилган сув бериладя. Қўралар совуқ бўлмасин, иссиқлиги 8—10 даражадан ошмасин.

Туққан совлиқларни боқиш масъулиятлидир. Совлиқ семиз бўлса, пичан билан боқиб, кунига камида икки маротаба суғориб туриш лозим. Совлиқ озғин бўлса унга яхши тайёрланган силос, шунингдек озуқа берилади. Лекин, туққан кунининг ўзидаёқ бирдан ширали овқат бериш ярамайди. Сабаби сути кўпайиб, елини қасал бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун бир килограммга яқин силос, ярим килограммга етар-етмас концентратлашган озуқа бериш маъқулдир. Баъзан совлиқ туққанидан кейин 2-3 кунга қадар унинг сути кам бўлиши мумкин. Бундай совлиқларни алоҳида боқиш билан бирга эгизак туққан совлиқларнинг қўзисини серсут совлиқларга қўшиб қўйиш маъқул.

Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхозида, Калинин районидаги Охунбобоев номли совхоздаги тажрибалар шуни кўрсатадики, кичик қўраларда боқилган қўзилар соғлом бўлиб ўсмоқда. Бунинг сабаби шуки, совлиқлар боласидан узоқлашиб кетмайди. Қўзилар тез онасини эмади. 3—5 кунлик қўзилар кунига 2—3 марта эмизилиши керак. У вақтда дармонсизланиб, чарчаб қолмайди. Тез ўсиб, этига-эт қўшади, нобуд бўлмайди.

Ҳаво яхши бўлиб, шамол турмаган пайтларда қўралардаги совлиқ ва қўзиларни чиқариб, қиялик, ўтли кўп жойларда боқиш зарур. Ҳаво бузилиши билан дарҳол яна қўраларга киритиш керак.

Қўзилар катта бўлган сари тиш чиқара бошлайди. Шу пайтларда уларнинг милки қичийди, қичийди. Бунга чидай олмай қўзилар онасининг жунини, тупроқ, лойни еб қўйиши мумкин. Бундан қутулиш чораларини кўриш, қўраларнинг шипларига бедаларни боғлаб, қўзиларни бўйи етадиган жойгача осилтириб қўйиш керак. Ана шунда қўзилар бедаларни еб, турли касалликлардан қутулади. Айниқса, ичак касалликларига йўлиқмайди.

Қўй-қўзилар боқилаётган яйловларда ҳар бир қўзи ҳисобига 5—10 граммданга тўғри келадиган миқдордаги тузни идишларга солиб қўйиш керак. Қўзилар уни тез-тез ялайди. Қўзиларнинг қурт касалига дучор бўлмасликлари учун оддий тузнинг 10 граммига бир грамм ҳисобида фенотеозин дорини қориб берилади.

Юқоридаги тадбирлар қанчалик моҳирлик билан амалга оширилса, ҳар бир отарда қўзилатиш кампанияси шунчалик уюшқоқлик билан ўтади. Совлиқлар ҳам, қўзилар ҳам нобуд бўлмай ўсаберади.

В. УРИЦКИЙ,
Ўзбекистон Чорвачилик илмий текшириш институтининг илмий ходими.

ОТА-ОНАЛАР ЙИҒИЛИШИ

Киров районидаги 1-кварткомга қарашли маҳалланинг катта, шинам безатилган клуби кеча маҳалла оқсоқоллари, ота-оналари билан гавжум бўлди. Йигилганларга саккизинчи беш йилликда район аҳолисининг қўлга киритган ютуқлари ҳақида район партия комитети ходими К. Ҳакимова сўзлаб берди.

Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди қарорлари ва КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳаси тўғрисида кекса коммунист Турсуной Мажидова қисқача гапирди.

Бу ерда ҳозир бўлган ота-оналарга қизғин суҳбатдан сўнг «Ўтган кунлар» кинофильми кўриб берилди.

КИШИНИ МЕҲНАТ УЛУҒЛАЙДИ

Район партия комитетининг ташаббуси билан республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг катта залида 10-синф ўқувчилари ҳамда завод ва фабрикалар илғор ёш қўшчиларининг учрашуви бўлиб ўтди.

«Кишини меҳнат улуғлайди» деб аталган мунозарада 500 дан ортиқ киши қатнашди. Кечани район партия комитетининг секретари Л. Беккулбекова олиб борди. Ўзбекистон маориф министрининг ўринбосари ўртоқ Романов барча касбларнинг ўзига хос завқи борлиги тўғрисида ҳикоя қилди.

ПРАКТИКАНТЛАР ЁРДАМИДА

12-ўрта мактаб Ўзбекистон Давлат физкультура институтининг тажриба маскани бўлиб қолди. Мактабда кекса жисмоний тарбия ўқитувчиси Е. В. Якушкин студентларга устозлик қилмоқда.

Шу кунларда институтнинг III курс педагогика факультетининг студентлари 5-10 синфларда дарс беришяпти.

МЕТАЛЛУРГЛАР ҚУВОНЧИ

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасида «Бекобод металлургия заводини реконструкция қилиш ишлари авж олдириб юборилсин», дейилган.

Бу Ўзбекистон қора металлургия саноатининг фахри — Владимир Ильич Ленин номли металлургия заводининг катта истиқболга эга эканлигидан далолат бериб турибди.

Ўтган беш йилликда заводнинг ишлаб чиқариш қуввати анча оширилди. Қуюш ва прокат цехларининг кўпчилик участкалари реконструкция қилинди. Замонавий автомат механизмлар ва машиналар ўрнатилди. Узлуксиз пўлат қуйиш цехида иш жараёнлари такомиллаштирилди. Прокат цехида станларнинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга қаратилган бир қанча техника тадбирлари амалга оширилди. Бир қатор НОТ планлари ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Заводда техника тараққиётига ҳар тарафлама эътибор кучайтирилаётганлиги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг йил сайини ортиб боришини ва сифат кўрсаткичларининг яхшиланишини таъминламоқда. Металлурглар социалистик мусобақада доимо байроқдор. Партия XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада ҳам илғорликни қўлдан бермай келмоқда. Улар 30 мартгача пландан ташқари камида минг тонна прокат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга аҳд қилганлар. Меҳнатсеварлар съезд очиладиган кунда тежалган хом ашё ва электр энергияси билан ишлашади.

— Директивалар лойиҳасида заводимизни реконструкция қилиш ҳам кўрсатилганлиги,— дейди завод директори СССР Олий Советининг депутати И. Муҳамедов, — бизни ниҳоятда ҳурсанд қилди. Реконструкция қилиш натижасида пўлат ва прокат ишлаб чиқариш анча кўпаяди. Меҳнат унумдорлиги ортади. Маҳсулот сифати яхшиланади. Айниқса, ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари кўпаяди. Асосий цехлар ҳисобланган мартен ва прокат цехлари тубдан янги қиёфага киради. Цехлардаги мавжуд техникалар такомиллаштирилади. Бундан ташқари, янгидан яна иккита цех — электролит ва прокат цехи қурилади.

Бу янги цехлар энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлантирилади. Электролит цехида пўлат эритиш суръати ҳозиргига нисбатан икки баравар тезлашади.

М. САИДОВ.

ТОШКЕНТИМИЗ КЎРКИ



Пойтахтимизда қад кўтараётган кўплаб турар-жой биноларни шаҳримиз ҳуснига-ҳусн қўшмоқда. Суратда: «Ц-46 кварталдаги турар-жой биноларини кўриб турибсиз.

Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

КПСС XXIV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

„ХАНДАМ“ КАНАЛИ—АДР ВА ЧЎЛЛАР ЖАМОЛИНИ ОЧАДИ

ЧЎЛГА СУВ КЕЛАДИ

Қир-адирлар кўклам либосида. Гулга бурканган ўрик, олма дарахтлари шамол эпкинида «баҳор-баҳор» деяётгандай енгил силкинади. Ариқ ёқасидан туртиб чиққан ялпиз, қир бағрида яшнаб турган кўкатлар иси атрофга уфуради. Оппоқ нур билан чулғанган шу тонгда табиат ўз ҳуснини кўз-кўз қилиб, яшнаб ёшариб кетган.

Нурли тонг отди. «Ҳандам» канали бўйида яна ҳаёт қайнаб кетди. Неча йиллар сокин оққан кичик канал узра қудратли экскаваторлар ва бульдозерлар ҳайқириғи янгради. Бу ерда инсон табиатга яна ўз қудратини, мўъжизакор кучини намойиш қилиб, қақроқ чўлга сув чиқариш, янги боғ-роғлар яратиш, экинзорларни яшнатиш ниятида тер тўкяпти. Техникани ўз измида тутиб, канал ўзанини чўлларга бошлаб бораяпти.

Каналнинг нариги қиргоғида уч-тўрт киши суҳбатлашмоқда. Ўрта бўй, қотмагина йигит кўлидаги канал қурилиши картаси устида бармоғини чаққон юритиб, участка прорабига кўрсатма берарди.

— Бош трассадаги тупроқ ишларини тезда тугаллаш керак, — деб сўзини давом эттирди у. — Сизларга яна қўшимча бульдозерлар, яна юз киши ёрдамга чиқади. Реконструкция ишларини қанча тез тугалласак, шунча яхши. Ахир баҳор бизни кутиб турмайди-ку?! Ҳаммаси сизларнинг маҳоратингизга боғлиқ.

— Йигитларимиз билан гаплашиб олганмиз, — деди прораб Ўрмон Мамбетқулов қурилиш бошлигининг сўзини диққат билан тинглар экан. — Уч-тўрт кунда тупроқ қазишни тугаллаймиз. Йигитларимизнинг ҳаммаси ҳам ғайратли, тогни талқон қиладиганлардан.

Қурилиш бошлиғи Мамарасул Эгамбердиев прорабнинг жавобидан қониқди шекилли, елкасига қўлини қўйиб, «Ишни бўшаштирманглар, йигитлар», деди.

— Етмиш беш километрлик янги канал қурилиши шу ердан бошланади, — деб гапини давом эттирди у. — «Ҳандам» канали лойиҳада кўрсатилишича, йигирма минг гектар майдонни суғоради. У Чирчиқ дарёсидан бошланиб, Юқори Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхознинг пастки томони билан «Қизилсой» орқали Ўрта Чирчиқ районидаги «Галақудуқ» совхозининг устки қисмигача бўлган 14 минг гектар баҳорикор ерни, қанча-қанча далаларни яшнатади.

Бундан ташқари «Хўжа-баланд» каналидан сув ичиб келган Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ территориясидаги олти минг гектар ерга ҳам янги каналдан сув оқади. «Ҳандам» Чирчиқ дарёсига уланғандан кейин Оҳангарон дарёси сувга муҳтож бўлган Пискент зонаси ва ўз ўзанидаги бир қанча колхозларни мўл сув билан таъминлайди, яъни бу дарё билан қўшимча 15 минг гектар ерни суғориш имконияти туғилади.

Қурилиш бошлиғи бу сўзларни қувонч билан айтди. Шундай улуғ ниятнинг рўёбга чиқаётгани, ҳаётга айланаётганидан қувонмай, ҳаяжонланмай бўладими?

Улкан канал бўйлаб олдинга юрдик. Қурилишда жасорат кўрсатаётган азаматлар меҳнати билан атрофлича танишдик. Қурилиш бошлиғи олиб бораётган ишлар ҳақида йўл-йўлакай ҳикоя қилиб берди.

— Ҳозиргача каналнинг ўттиз километри битди. «Қизилсой»даги 120 метрлик дукур қурилиши ҳам муддатидан илгари ниҳоясига етказилди. Бу улкан тоннелдан секундига 17 минг куб метр сув оқади. Қисқа муддатда қурилишда 1500 куб метр темир-бетон, 11 минг куб метр шағал ётқизиш ишлари бажарилди.

Канал қурувчилар «Сапсариқсой»да ҳам катта ишларни амалга оширмоқда. У ердаги дукур қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Бетончи ва дурадгорлар бир тан-бир жон бўлиб, қувурни ўз вақтида фойдаланишга топшириш учун ҳаракат қилишмоқда.

— Канал катта сой ҳамда баландликлардан дукур ва тоннеллар орқали ўтказилади, — деб давом этди бошлиқ. — Жами ўн икки километр масофада канал суви еростидан ўтказилади. Ўн саккиз метрли тепаликлар тагидан ҳам тоннеллар қилинади.

Баҳор қўёши чарақлаб турибди. Канал қурилишини тезкорлик билан олиб бораётган механизатор ва ирригаторлар қурилишларни кенг кўламда давом эттирмоқдалар. Улар йил бошида Юқори Чирчиқ районида минг гектар ерни ўзлаштириб, экин экишга тайёрлаш вазифасини ўз зиммаларига олган эдилар. Ҳозиргача 750 гектар майдон ўзлаштирилиб, ирригация тармоқлари тайёрланди. Қолган майдонларда ўзлаштириш ишлари қизғин олиб бориляпти.

«Қорасув» каналининг ўнг соҳилидан ўтган «Ҳандам»нинг беш гидроузели яқин кунлар ичида ишга туширилади. Бу ерда сўнгги тупроқ қазиш ишлари олиб бориляпти. 15 апрелдан бошлаб янги ўзлаштирилган майдонларга сув оқа бошлайди. Ҳа, чўлга сув келади!



«Хандам» канали қурилиши жадал суръат билан давом эттирилмоқда. Экскаваторлар кечаю кундуз тупроқ қазимоқдалар. Бу ишларни бажаришда механизаторларнинг хизматлари катта бўлаяпти. Суратларда: (чапдан) пешқадам механизатор Бурхон Бекобоев, (ўнгда) экскаватор билан канал қазиш пайти.



КАНАЛ ИСТИҚБОЛИ

«Сапсариқсой» тоннел қурилишида сўнгги бетон ишлари бажарияпти. Экскаватор кранини бошқараётган Петр Гринев келтирилаётган бетонни дам-бадам тоннелнинг тахта деворлари устига қўймоқда.

— Қурилишда бетончилар ва дурадгорлар бригадаси гайрат билан ишлаяпти, — дейди участка прораби Чеховских Владимир Михайлович. — Ўн саккиз кишидан иборат бригада қурувчилари смена нормаларини 130—140 процентдан кам бажармаяпти. Қурилишда колхоз-совхозлар ҳам қатнашлиши билан танишди. Бу соҳада тажриба орттириб, ўз мулоҳазалари билан иш юритадиган бўлди. Узининг чаққонлиги, ҳар бир вазифани ақл билан тез бажара олганлиги туфайли участка прораби вазифасига кўтарилди.

Бу пайтда шу областда Ишим-Ўзак канали қурилиши олиб бориларди. Янги каналдан минглаб гектар янги ерга сув чиқариш планлаштирилган эди. Прораб Ўрмон Мамбетқулов қурилишда бор маҳоратини кўрсатди.

1970 йилнинг июль ойида «Ҳандам» каналини қазиш ишлари бошланди. Бу канални қуришга тажрибали ирригаторлар, инженер ва мутахассислар жалб қилинди. Ўрмон ҳам ўзи туғилиб ўсган қишлоғида қурилаётган каналда ишлашга бел боғлади. Уни участка прораби қилиб тайинлашди.

Латипов, И. Сулаймонов, Д. Молдобеков, Т. Пейсеновлар қурилиш фахри ҳисобланишади.

Ўрмон Мамбетқулов кўз олдида бунёд бўлаётган улкан каналга бир зум тикилиб қолди. Кўз ўнгида қўпириб-тошиб мавжланаётган канал суви гавдаланди. «Яқин қолди, ҳадемай бу каналдан сув шундай тўлиб оқадики, бу атрофда сув чиқмаган чўл, қўриқ қолмайди!» кўнглидан ўтказди у.

— Дмитрий Иванович сен ҳақ гапни айтдинг, — дея суҳбатга қўшилди Ўрмон Мамбетқулов. — Деҳқонлар биздан орзиқиб сув кутяптими, ишни иложи борича жадаллаштиришимиз лозим. Шунинг учун ҳам йигитларимиз топшириқларни 150—200 процентдан ошириб бажаряпти.

Андрей Ларков, Яков Гринвалд ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ойлик, квартал планлари ошириб адо этилмоқда. Шунингдек гидротехник Тен Владимир, экскаваторчи Макеев Евгений Александрович, трактторчилардан Алексей Беляев, Бурхон Бекбоевлар ўзларининг қазилаётган каналдан бу йил сув оқадими, деб сўрашади. Мен, ҳа оқади, янги каналдан сиз кутганингиздан, ҳам кўпроқ сув оқади, дейман. Янги ер ҳам ўзлаштириляпти. У ерларга ҳам сув чиқарилади; пахта экилади.







Канал қурилишида маҳорат ва ғайрат кўрсатиб ишлаётган азамат механизаторлар кўп. Улар ўз зиммаларидаги вазифаларни оширяпти. Суратларда: (юқоридан пастга) экскаваторкранчи П. Гринеев, экскаваторчи А. Я. Гринвальд ва Д. И. Гук ўртоқлар.

Автор фотоларн.

БЕШ ЙИЛЛИК МОБАЙНИДА ЕМҒИР СУВИ ЕРДАМИДА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ ҲАМ ҚЎШГАНДА 3 МИЛЛИОН ГЕКТАР ЯНГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАР ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛСИН, 41,2 МИЛЛИОН ГЕКТАР МАЙДОНДА ЯЙЛОВЛАРГА СУВ ЧИҚАРИШ, МАВЖУД СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛСИН.

СУВ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ҚУРИЛИШИНИНГ СИФАТИ АНЧА ЯХШИЛАНСИН, УНИНГ ТАННАРХИ КАМАЙТИРИЛСИН.

(КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасидан).

ФИДОКОР КИШИЛАР

Илгари, кичик ва қисқа «Ҳандам» каналидан сув баҳор кезларида кўпириб-тошиб оқади. Сел келган пайтларда экинзорларни ҳам сув босади. Одамлар канал четига чим босадилар, шох-шабба ташлашади. Саратонга бориб эса канал суви экинзорларга етмай қолади.

Ўрмон неча бор сувчилардан «Канални кенгайтириб бўлмасмикан шунда ҳосил ҳам яхши бўларди, қўшимча ер ҳам очардик», деган сўзларини эшитганди. Кейин у ўрта мактабни битириб, шаҳарга ўқишга кетди. Тошкент гидромелиоратив техникумига кириб ўқиди. Уни тугатгач, Қорақалпоғистон АССРнинг Қора-ўзак районида ишлади. Бу ерда янги ер ўзлаштириш, шоликор хўжаликлар ташкил этиш ишлари билан шуғулланди.

Ўрмон ўзлаштирилган янги ерларда бир неча йил сув шоҳобчалари қурилиши, қурилишнинг мураккаб томонлари

Яқинда биз каналнинг бош гидроузели қурилишини олиб бораётган Ўрмон бошлиқ 33 кишилик отрядининг ишлари билан танишдик. Улар яқин кунларда каналга сув қўйишга ҳозирланмоқдалар. Ўзларига қарашли ўн беш километрлик каналнинг сўнгги қисми қазиляпти.

Мана, трасса бўйида улкан экскаватор турибди. Уни моҳирлик билан бошқараётган Гук Дмитрий Иванович ҳар куни ўнлаб кубометр тупроқни қазимоқда. Биз участканинг моҳир экскаваторчиси билан суҳбатлашиб қолдик:

— Мен битта нарсани яхши биламан, — дейди у, — канал қурилишини тезлаштириш учун ҳар бир кишн ўз агрегатини унумли ишлатиши керак. Ҳозир баҳор, ҳадемай деҳқон сув бер, дейди. Ғўзанинг яшнаши, ҳосил тугиши учун сув керак. Меваларнинг ширин-шакар бўлиши учун ҳам сув керак. Шунинг учун бу ерда сувни тезроқ келтиришга ҳаракат қиляпмиз. Шу ерлик деҳқонлар ғайрати билан ҳурмат-эътиборга сазовор бўлмоқдалар.

— Олдинлари «Ҳандам» каналидан секундига 1,5—2 куб метр сув оқарди, — деб ҳикоя қилди Мамбетқулов. — Бу сув билан қанча ерни ҳам суғориб бўларди. Янги каналдан эса 20 куб метр сув оқади. Сув ўн баробар ошар экан, экин майдонлари ҳам шунча кенгаяди. Бу жуда катта иш. Канал қазиш, сув чиқариш, янги ер очиш озмунча куч-қудрат, техника талаб қилмайди? Ҳозир бизда куч ҳам, техника ҳам бор.

Шу кунларда канал трассасида юзларча механизм, 20-дан ортиқ экскаватор, ўнлаб бульдозер ва скрейпер ишлаяпти. Бирин-кетин тоннеллар, йирик дукурлар ишга туширилмоқда.

Канал қурилишида илғорлар тилга олинганда бетончилардан В. Петров, Э. Тўрақулов, А. Тангрибердиев номи ҳурмат билан саналади. Қурувчи ва механизаторлардан А. Нагибина, Н. Қудрина, А. Ларухов, Р. Латипов, И. Сулаймонов, Д. Молдобеков, Т. Пейсеновлар қурилиш фахри ҳисобланишади.

Ўрмон Мамбетқулов кўз олдида бунёд бўлаётган улкан каналга бир зум тикилиб қолди. Кўз ўнгида қўпириб-тошиб мавжланаётган канал суви гавдаланди. «Яқин қолди, ҳадемай бу каналдан сув шундай тўлиб оқадики, бу атрофда сув чиқмаган чўл, қўриқ қолмайди!» кўнглидан ўтказди у.

— Дмитрий Иванович сен ҳақ гапни айтдинг, — дея суҳбатга қўшилди Ўрмон Мамбетқулов. — Деҳқонлар биздан орзиқиб сув кутяптими, ишни иложи борича жадаллаштиришимиз лозим. Шунинг учун ҳам йигитларимиз топшириқларни 150—200 процентдан ошириб бажаряпти.

Андрей Ларков, Яков Гринвалд ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ойлик, квартал планлари ошириб адо этилмоқда. Шунингдек гидротехник Тен Владимир, экскаваторчи Макеев Евгений Александрович, трактторчилардан Алексей Беляев, Бурхон Бекбоевлар ўзларининг қазилаётган каналдан бу йил сув оқадими, деб сўрашади. Мен, ҳа оқади, янги каналдан сиз кутганингиздан, ҳам кўпроқ сув оқади, дейман. Янги ер ҳам ўзлаштириляпти. У ерларга ҳам сув чиқарилади; пахта экилади.

— Каналдан сув оладиган ирригация тармоқлари қуриш учун 16 миллион куб метр тупроқ ишлари, 160 минг куб метр темир-бетон ишлари бажарилади, — дейди қурилиш бошлиғи Мамарасул Эгамбердиев. Шунингдек, 850 дан ортиқ гидротехника иншооти ишга туширилади. 38 километр ёпиқ қувур ўтказилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарори асосида янги «Ҳандам» канали атрофида тўртта ихтисослаштирилган, комплекс механизациялашган чорвачилик хўжалиги ташкил этилади.

КПССнинг XXIII съезди ва партия Марказий Комитетининг қатор Пленумлари қарорларида қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, шунингдек пахтадан олинадиган ҳосилни ошириш тадбирлари белгилаб берилган, йирик саноат шаҳарларини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш учун янги резервларни ишга тушириш режалари белгиланган.

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетининг 1970 йил июль ойи «Ҳандам» каналини қуриш ҳақидаги қарори ҳам қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга қаратилгандир. Янги канал минглаб гектар баҳорикор ва қўриқ ерларни ўзлаштириш имкониятини туғдиради. Пахта ҳосилдорлиги ошади. Юқори Чирчиқ ва Паркент зоналарида сувга ташна баҳорикор ерлар шу канал суви билан яшнайди.

Канал қурувчилари ҳозирги кунда партиямизнинг XXIV съезди шарафига звено ва бригадаларо социалистик мусобақани кучайтирмоқдалар. Улар «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган шарафли ном учун курашмоқдалар.

Канал қурилишини муваффақиятли олиб бораётган «Ташмиловодстрой»га қарашли 4-ПМК қурувчилари ва ирригаторлари янги режалар асосида иш юритишмоқда.

Адрларни сув билан таъминлаш, экинзорларни яшнатиш, янги иншоотлар қуришга бел боғлаган кишиларнинг бундан кейинги ишларида янада улкан зафарлар тилаймиз.

Н. ТЎРАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Канал қурилишида фаол иштирок этаётган экскаваторчи ҳаракат қилишмоқда. Улар топшириқларни ошириб адо этишратда: (чапдан) бош гидроузел прорабн Ў. Мамбетқулов, экскачилардан А. Беляев, Тен Владимир ва инженер К. И. Денисов ва тракторчилар янада жадал учун астойдил курашмоқда. Суваторчи Е. А. Макин, трактор-ўртоқлар.

ПИЛЛАЧИЛАР МАСЛАҲАТЛАШМОҚДАЛАР

ТЎЙТЕПА, (**Телефон орқали олинди**). Бу ерда Ўрта Чирчиқ райони пиллачиларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари ўтган йилдаги ишларга якун ясадилар ва галдаги вазифаларни белгиладилар.

Район пиллачилик идорасининг мудири **Т. Султонова** ўз докладида Ўрта Чирчиқ райони меҳнаткашлари ўтган йили давлатга 179,5 тонна пилла топшириб, планни ошириб бажарганликларини айтди. Кўпгина хўжаликлар зиммага олган социалистик мажбуриятларини ошириб адо этдилар. Шу сабабли районда пландагига нисбатан қўшимча 8 минг 600 килограмм пилла ортиқча сотилди.

Ҳар йилдагидек ўтган йили ҳам «Полярная звезда» колхозининг қуртбоқарлари улкан зафарларни қўлга киритишди. Ҳар бир килограмм ипак қуртидан 70 килограммдан пилла топшириб, планни 127 процент қилиб бажардилар. Оҳунбобоев номли, Энгельс номли, «Коммунизм» колхозлари, шунингдек 4-«Оҳангарон» совхозларининг пиллачилари ҳам яхши ишладилар.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқларнинг таъкидлашича, районда пиллачиликни янада ривожлантиришда фойдаланилмаётган резервлар ҳали анчагина бор. Агар ҳар бир хўжаликда ҳам тут барги кўпайтирилганда, қурт боқиш намунали йўлга қўйилганда давлатга қўшимча яна минглаб килограмм пилла сотиш мумкин эди.

Афсуски, шундай бўлаётгани йўқ. Айниқса, Куйбишев номли, «Северный маяк» колхозларида барча имкониятлар ишга солинмаётир. Тут боқиш яхши йўлга қўйилмаган. Оқибатда план бажарилмай қолаяпти. Бу йил ҳам юқорида номлари тилга олинган хўжаликларда пилла боқишга тайёргарлик қизғин тус олганича йўқ. Айниқса тут дарахтларини парвариш қилиш, янги кўчатлар ўтказиш талабга жавоб бермайди.

«Полярная звезда» колхози пиллачилик бригадасининг бошлиғи **Х. Муминова**, Свердлов номли колхоз пиллачилик звеносининг бошлиғи **О. Умарова** ўртоқлар ўз сўзларида йўл қўйилган камчиликларни дарҳол тузатиш, дарахтларининг тагини юмшатиш, озиқлантириш билан тут баргларини кўпайтириш зарурлигини айтдилар. «Коммунизм» колхози партия ташкилотининг секретари **М. Ортиқбоев** ўз сўзида колхозчилар бу йил 74 қути пилла қурти боқиб, давлатга 14 минг 300 килограмм ҳосил етиштириб беражакларини айтди.

Кенгаш қатнашчилари ўтган йилдагига нисбатан давлатга анча кўп пилла сотиш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилдилар.

* * *

ПИСКЕНТ. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Яқинда пиллачиликни йил сайин юксалтириш режаларини тузаётган район пиллачиларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Ўтган беш йилликда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида яхши натижаларга эришилди. Пиллачилик ҳам бирмунча юксалди. Райондаги 2- «Оҳангарон» совхози, Оҳунбобоев номли ва Свердлов номли колхоз пиллачилари ҳар қути қурт уруғидан олинадиган пиллани бир неча ўн килограммга кўпайтиришди. Районда моҳир пилла усталари етишиб чиқди. 2- «Пискент» совхозидан М. Назаров, Э. Тўхтабоев, Свердлов номли колхоздан А. Зиёева, «Гулистон» колхозидан З. Йўлдошевалар ҳар қути қурт уруғидан 100—120 килограмм пилла топширдилар.

Лекин, районда илғорлар билан бир қаторда пиллачилик соҳасида йиллик планларини бажара олмаган хўжаликлар кўплаб топилади. Ўтган беш йилликда давлатга 608 тонна ўрнига 490 тонна пилла сотилган. Ҳар қути қурт уруғидан эса 54 килограмм ўрнига 50 килограммдан пилла олиниб, белгиланган план бажарилмай қолди. 1 ва 2- «Пискент» совхозлари, «Гулистон», Тельман номли колхозлар беш йиллик планни бажариш бўйича охирги ўринда қолиб кетганлар. Бу хўжаликлардаги асосий камчилик пилла қурти учун мустаҳкам озуқа базаси яратилмагани, улар агротехника қоидалари асосида парвариш қилинмаганлигидадир. Бу хўжаликларда юз қути қурт уруғини очириш учун битта инкубаторни очиш керак бўлса, 200 қурт уруғи учун битта инкубатория очилган.

Доклад қилган район ижроия комитети раиси **А. Дўстбеков** ўз нутқида шу камчиликларни кўрсатиб ўтиб, буларни тезда тугатиш юзасидан зарур тадбирлар кўриш лозимлигини уқтириб ўтди.

Музокараларда сўзга чиққан Охунбобоев номли колхознинг пиллачилик бригадаси бошлиғи **Т. Арслонова**, «Гулистон» колхози партия ташкилотининг секретари **А. Машарипов**, район пиллачилик идораси мудири **Каримов** ўртоқлар янги мавсумга пухта ҳозирлик кўриш, озуқа базасидан тўғри фойдаланиш лозимлиги ҳақида гапириб ўтдилар.

Кенгашда область ижроия комитетининг раиси **С. А. Асомов** иштирок этди.

Кенгашда 1971 йил учун социалистик мажбурият қабул қилинди.

МУЗ УСТИДА БАЛЕТ

ДИЛЛАРНИ МАФТУН ЭТИБ...

Марказий спорт саройининг муҳташам залн одамлар билан тўлган. Тўрт мингдан зиёд томошабинларнинг нигоҳи товланиб турган саҳнада.

Ўрта бўйли, қадди-қомати келишган, навқирон йигит муз устида туриб ўз маҳоратини намойиш этади. У мураккаб машқларни енгил ижро этар, вақтивақти билан масхарабозлик қилиб залда қаҳқаҳа уйғотарди. Моҳир санъаткорда теэкорлик, гўзаллик, эпчиллик хислатлари мужассамланиб, уйғунлашиб кетган. Айниқса у ижро этган «Солдат Швейк» номери жозибали. Томошабинлар бу талант эгасининг ҳар бир чиқишини қарсак, олқишловчи сўзлар билан кутиб олишди.

Шу кунлари пойтахтимизда «Муз устида балет» хореографик ансамблнинг гастролларн муваффақият билан давом этмоқда. Ансамблнинг истеъдодли солисти Зафар Шокировнинг ижодий камолат/ ҳам санъат ихлосмандларини ҳаяжонга солмоқда.

Меҳмонхонада Зафар билан учрашиб, суҳбатлашдик. Унинг санъат даргоҳига кириб келиши йўли билан атрофлича танишиб чиқдик. Зафар Москвадаги 370-ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ спортга қизикар, айниқса акробатик машқларни берилиб ижро этарди. Иттифоқ миқёсида уюштирилган ёшлар спартакиадасида бир неча бор қатнашиб, мувaффақиятлар қозонди.

— Олтинчи синфда ўқиб юрган кезларим шаҳримизда цирк билим юрти борлигини эшитиб қолдим, — эслайди Зафар. — Ҳар куни ўқишдан чиқиб, билим юртига бориб, дарсларда қатнашдим. Акробатик машқларни ўргандим. Цирк санъатига бўлган меҳр-муҳаббатим ана шу зайлда бошланди.

Зафар ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, циркка бориб ишлайман деганди, уйдагилар рухсат беришмади. Онаси: «Циркка қизиқиб нима қиласан болам, бу мустақил касб эмас. Бир жойинг лат еса тамом, ётиб қоласан» деб қаршилик кўрсатди. Зафар Москва шаҳридаги заводларнинг бирига ишга кириб, слесарга шогирд тушди.

1958 йилда унинг ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Ишдан қайтаётиб, тасодифан цирк билим юртидаги дўсти, таниқли масхарабоз Владимир Яновскийни учратиб қолди.

Катта театр балетмейстри Арнольд Григорьев, циркимиз отахони Леонид Михайлович Лавровскийлар ҳамкорликда «Цирк ансамблида балет» номли янги ансамблга асос солишмоқда, — тушунтирди Владимир. — Конкурс эълон қилинди. Ҳозирча ансамблда қатнашиш истагини билдирган 900 кишидан 60 йигит қизни танлаб олдик. Репетиция бўлмоқда, бориб томоша қилгин.

Цирк ва балет санъати мужассамланган янги ансамблнинг вужудга келиши Зафарни қувонтирди. У премьера бўладиган куни сабрсизлик билан кутди.

Ансамбль директори Владимир Аркадьевич Гриклядҳонага кириб, келган Зафар билан сўрашиб, гапни қисқа ва лўнда қилди:

— Сизни саҳна ишчиси қилиб олишимиз мумкин, бошқа ўрин йўқ.

Зафар розилик билдирди. У қўлига супурги, белкурак олиб, саҳнага муз қоплади. Муз устида юриш, конькида учишни ҳам машқ қилди. Артистлар билан дўстлашиб улардан маҳорат сирларини ўрганабошлади.

— Каунас шаҳрига гастролга чиққанимизда қизиқ воқеа юз берди,— дейди Зафар.— «Муз устида биринчи машқ» номерида қатнашаётган артист қаттиқ бетоб бўлиб, Москвага қайтиб кетишга мажбур бўлди. Бу ҳолат директорни роса ташвишга солди. Нима қилиш керак? Шунда: «Агарда ишонсангиз, шу номерни мен олиб чиқаман» деб турибман. Биринчи марта саҳнага чиқишим эди. Бошда томошабинларнинг салобати босди. Чамамда ўзимни йўқотаёздим. Дўстларим далда беришди. Сўнгра «Найрангбоз конькичи» ролида чиқдим. Кулар, ойлар ўтиши билан менга томошабинлар яхши қарши оладиган бўлишди.

Ансамблда ўз фаолиятини оддий саҳна ишчиси вазифасида бошлаган Зафар эндиликда коллективнинг фахри ҳисобланади. У кўп йиллардан бери муз устида ўз маҳоратини устаклик билан намойиш этиб, ансамблнинг довруғини кўтараяпти. Польша, Руминия, ГДР, Финляндия, Туркия, Сирия томошабинлари ҳам унинг чиқишларига қойил қолишган.

Истеъдодли артист Москвадаги Крупская номли педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетини муваффақиятли тугатган. Яқинда Москва шаҳар партия комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм университетини битирди. У ҳозир Москва Давлат университетининг аспирантлар бўлимида ўқимоқда. «Жисмоний тарбиянинг эстетик тарбия билан алоқаси» деган темада диссертация ёзаяпти.

Зафар доимо изланишда. У ансамблнинг раҳбарлари билан ҳамкорликда цирк ва балет санъатларини бир-бирларига янада яқинлаштириш, янгидан-янги номерлар тайёрлаш устида иш олиб бормоқда. Бу тинимсиз изланувчан санъаткорнинг келгуси ишларида улкан зафарлар тилаймиз.

И. ЮСУПОВ.



САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ОМАДИНГИЗ КЕЛСИН

«Ҳурматли редакция, газетангиз саҳифасида бизга 3 процентли давлат заёми тўғрисида батафсил маълумот беришингизни илтимос қиламиз. Ўзбекистон трактор-йиғув заводининг ишчилари: Ж. ҚОСИМОВ, Х. ТУРДИЕВ».

Биз ушбу хат билан Давлат механат омонат кассалари ва Давлат кредити Тошкент область бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Н. РАҲМАТОВГА мурожаат қилдик. Қуйида сиз Н. Раҳматовнинг жавобини ўқийсиз.

— КПССнинг навбатдаги XXIV съезди зўр сиёсий, хўжалик ва халқаро аҳамиятга эга бўлади. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани бўйича Директивалар лойиҳасини бутун совет халқи бир овоздан маъқулламоқда.

Аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш асосидан КПСС XXIII съезди кўрсатиб берган асосий вазифалар оргнги билан бажарилди. Аҳоля жон бошига ҳақиқий даромад белгиланган 30 процент ўрнига 33 процента кўтарилди. Ишчи ва хизматчиларнинг ойлик маоши 26 процентга ортди, ҳамда 1965 йилдаги 96.5 сўмга нисбатан 1970 йилда 122 сўмни ташкил қилди.

Шуниндек, халқ хўжалигининг барча тармоқларида энг кам маош оладиган ишчи ва хизматчиларнинг маоши оширилди. Ўтган беш йиллик охирида колхозчиларнинг даромади 42 процентга ошди.

КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасида мамлакат иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишлари янги беш йилликдаги истиқбол режалари белгилаб берилган. «Беш йилликнинг энг асосий вазифаси,— дейилади Директивалар лойиҳасида, — социалистик ишлаб чиқаришни юксак сўръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштириш негизида халқ ҳаётининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлашдан иборат.»

Бизлар янги беш йилликда эришган барча галабаларимиз меҳнаткашлар фаровонлиги, севикли совет Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш учун қаратилажагини яхши биламиз.

Турмуш даражамизнинг юксалаётганига омонат кассалар 1966 йилги Давлат 3 процентли ички ютуқли облигацияларни йил сайин тобора кўпроқ сотаётганлиги ҳам ерқин далил бўла олади. Агар вилоятимиз меҳнаткашлари 1969 йилда 33.217.000 сўмлик облигациялар сотиб олишган бўлса, 1970 йилда бу рақам 54.253.000 сўмни ташкил этди. Шу билан бирга ютуқ олганлар сони ҳам анча кўпайди.

Ҳар бир киши Давлат 3 процентли заёми облигацияларини сотиб олар экан, у ортиқча сўмини давлатга қарзга бераётгани ва бу ўзига ҳам фойдали эканини — ютуқ олиши мумкинлигини билади. Лекин баъзи кишилар Давлат 3 процентли заёми облигацияларининг шартлари ва структураси тўғрисида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслар.


1966 йилги Давлат 3 процентли ички ютуқли заёми алоҳида разрядлар билан 100 миллион сўмдан чиқарилади. Ҳар қайси разряд 100.000 сериядан иборат, № 100.001 дан № 200.000 гача, облигациянинг ҳар бир сериясида 01 дан 50 гача номерлар бўлади.

Облигациялар 20 ва 10 сўмлик қийматларда чиқарилади. 10 сўмлик облигация 20 сўмликнинг ярми ҳисобланади ва даромад юқорида айтилганидек, ютуқ сифатида тўланади. Ютуқларнинг умумий суммаси заёмнинг бутун 20 йиллик муддатига йилига ўртача 3 процент ҳисобида белгиланган.

Заёмнинг муддати мобайнида барча облигацияларнинг 30 проценти ютади, қолганлари эса устига ёзиб қўйилган қиймати билан сотиб олинади.

Давлат 3 процентли ички ютуқли заём облигациялари ҳамма омонат кассаларида сотилади ва сотиб олинади. Заём бўйича йилига 8 марта ютуқлар тиражи ўтказилади: 15 февраль, 30 март, 15 май, 30 июнь, 15 август, 30 сентябрь, 15 ноябрь ва 30 декабрда. Навбатдаги ютуқлар тиражи 1971 йил 30 мартда Саратов шаҳрида бўлади.

Шуни айтиш керакки, 1970 йилда Ангрен, Янгийўл шаҳарлари ҳамда Оққўрғон, Бўка районларининг аҳолиси катта ютуқларни олишга муваффақ бўлдилар. Бундай бахт ҳар бир кишига кулиб боқиши мумкин. 3 процентли облигацияларни тезроқ сотиб олинг!..



ПУШКИН номли маданият ва истироҳат боғидаги «Планетарий» биноси кўринишини ёш истеъдодли рассом Сойибжон Салимов чизган. У ёшлигиданоқ рассомчилик санъатига ихлос қўйган бўлиб, Островский номли пионерлар уйида таниқли рассомлар қўлида ўқиди, ўрганди. Сойибжон қурилиш майдонларида, шаҳримизнинг янги бунёд этилган кварталларида, ҳашарларда бўлиб, табиат манзаралари, улкан қурилишларни берилиб чизади.

Ҳозир ҳавасқор рассом Тошкент политехника институтининг архитектура факультетини тугатиш олдида турибди. У пойтахтимизнинг Ҳамза кўчасида яқин келажакда бунёд этиладиган турар-жой биноларининг лойиҳаси бўйича диплом ишини ёзмоқда. Сойибжон институтда таълим олиш билан бир қаторда ёшликдан кўнгил қўйган рассомчилик санъатини давом эттирмоқда. Биз, ёш изланувчан рассомнинг келгуси ижодларида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

Келгуси йили мамлакатимиз пионерлари катта санани нишонлайдилар. Пионер ташкилотининг 50 йиллик юбилейи бўлади. Ҳозир унга жойларда тараддуд кўрилмоқда.

Шонли сана муносабати билан «Ёш гвардия» нашриёти қатор асарларини китобхонларга тақдим этади. Юбилей китоблари орасида Ўзбекистонда пионер ташкилотлари ҳаракати тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи тўплам ҳам бор.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

ИККИ ПЕШҚАДАМ

Хоккей бўйича Швейцарияда давом этаётган жаҳон чемпионати тобора кескинлашмоқда. Чемпионатнинг учинчи турида авалги чемпионатнинг кумуш совриндори бўлган Швеция хоккейчилари ГФР командасини 7:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, пешқадамлик қилаётган совет спортчиларига етиб олишди. Америкаликлар эса Финляндия командасидан 4:7 ҳисобида мағлубиятга учрашди.

Тўртинчи турни Швеция билан Финляндия хоккейчилари бошлаб берди. Финляндия командаси учрашув тугашига 2 минут қолгунга қадар 1:0 ҳисобида олдинда бораётган эди. Бутун команда билан ҳужумга ўтган швецияликлар аранг мағлубиятдан қутилиб қолдилар. Ниҳоятда кескин ўтган бу учрашув 1:1 ҳисобида дуранг бўлиб тугади.

СССР—ЧССР хоккейчилари учрашуви азалдан ҳамиша кескин ўтади. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Хоккей ишқибозлари учрашувнинг сўнгги минутларигача қаяҳонда бўлишди. Ҳар иккала команда ҳар бир бўлимда битталан шайба киритдилар. Ҳисоб 3:3.

Бугун чемпионатда пешқадамлик қилаётган СССР—Швеция хоккейчилари учрашади. Чехословакияликлар эса Финляндия хоккейчилари билан мусобақалашадилар. Командаларнинг бугунгача бўлган турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

СССР	4	32—8	7
Швеция	4	18—10	7
Финляндия	4	13—16	5
Чехословакия	4	18—15	3
АҚШ	4	13—22	2
ГФР	4	8—31	0

БИРИНЧИ ЎИИН САФАРДА

«Пахтакор» футболчилари СССР кубоги учун нимчорак финал ўйинини Москванинг «Спартак» командаси билан ўтказади. Бу ўйин 28 мартда Ереван шаҳрида бўлади. Командаларнинг жавоб ўйини 1 апрелда «Пахтакор» стадионида ўтади.

ДУШМАН ТАЛАФОТ КЎРМОҚДА

ХАНОЙ, (ТАСС). Озодлик матбуот агентлигининг хабарларига қараганда, 21 мартда Кхесан районида халқ-озодлик қуролли кучларининг жангчилари пистирмада туриб душман ҳарбий машиналарига ҳужум қилдилар. Улар 9-рақамли тошйўл орқали Лангвэйдан Лаобаога бораётган бу ҳарбий машиналардан 20 тасини сафдан чиқардилар.

19 мартда Лангха-Лангвэй йўлида Жанубий Вьетнам ватанпарварлари душманнинг 10 та ҳарбий машинасини, шу жумладан 6 танкини яксон қилдилар.

Аниқланган маълумотларга қараганда, 19 мартдан 21 мартгача бўлган вақт ичида халқ-озодлик қуролли кучлари Кхесан районида душманнинг 30 та ҳарбий машинасини яксон қилганлар, америкаликларнинг 40 нафар солдатини ўлдирганлар, 8 та вертолётини уриб туширганлар 9-рақамли тошйўлнинг Лангха-Лангэй қисмини бутунлай тўсиб қўйганлар.

Озодлик матбуот агентлигининг хабарида айтилишича, Куанг-Нгай вилоятида 25 февралдан 10 мартгача бўлган вақт ичида халқ-озодлик қуролли кучларининг бўлинмалари душманнинг 773 нафар солдатини, шу жумладан Америкаликларнинг 197 нафар солдатини ўлдирдилар ва жароҳатладилар, 8 та вертолётни уриб туширдилар, 33 та ҳарбий машинани, шу жумладан 9 та бронетранспортерни яксон қилдилар, кўп миқдорда қуроллар ва ҳарбий анжомларни қўлга туширдилар.



ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМНИ озод қилиш Халқ қуролли кучлари жангчилари ўз ватанларини ҳимоя қилиш йўлида душманга қақшатғич зарба бериб келмоқдалар. Америка қўшинлари кўплаб талафот кўрмоқда. Суратда: Халқ қуролли кучлари жангчилари Тхиатхиен вилоятида Сайгон қўшинларига қарши жанг олиб бормоқдалар.

ВИА — ТАСС фотоси.

КОЛУМБИЯДА ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР

КАРАКАС, (ТАСС). Колумбияда 200 нафар деҳқон қамоққа олинди. Бу деҳқонларни латифундияларни (катта бойларнинг ерларини) босиб олди, деб айбламоқдалар. Христиан касаба союзларининг Латин Америка конфедерацияси бу ерда мана шу ҳақда баёнот эълон қилди.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи мухбирлар университети тингловчиларининг навбатдаги машғулоти бугун ўтказилади.

Реклама ва Эълонлар

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

30 МАРТДА

ЎЗБЕКИСТОН ЁШ ИЖРОЧИЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Муҳаббат ШАМАЕВА, ЮНУС ТУРАЕВ, ВЯЧЕСЛАВ ГРИНЧЕНКО, НАЗИРА ЕҚУБОВА, СУННАС БУРХОНОВ,

Солистлар: Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Эсон ҚАНДОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Илёс МАЛЛАЕВ, Маруфа ҲАМИДОВА.

Татар «Хайтарма» эстрада ансамбли
Корейс ашула ва рақс ансамбли
Ўзбекистон эстрада оркестри
Юнон «Бузуки» ансамбли ва бошқалар.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.
Билетлар сотилмоқда.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА

«Ташкомиссионторг» магазинлари

Баҳорги мавсумнинг ҳар турли буюмлари, ҳамда гилам ва гилам буюмлари, музика ва радиомоллари, хрусталь, чинни, мебель, велосипедлар, ҳамма марказдаги мопедлар, мотоциклар ва бошқа энги, ҳамда фойдаланилган моллари комиссияга

ҚАБУЛ ҚИЛИШГА КИРИШДИ

Магазинлар адреси:

5,21 — Госпиталь бозори;
7, 8, 24, 26, — Октябрь бозори;
4, 9, 14, 33 — Олой бозори;
37 — Бешёғоч бозори;
11 — Қўйлиқ бозори;
27 — Марказий бозор;
20 — 1 Май бозори;
3, 23 — Навоий кўчасидаги ярмарка;
22 — Фаҳҳор кўчасидаги ярмарка;
6 — «Халқлар дўстлиги» проспекти, 5-квартал, 1-уй;
1, 12 — К. Маркс кўчаси ва Охунбобоев кўчаси бурчаги;
16 — 4-Турар жой шаҳарчаси Дубовая кўчаси;
13 — Т. Шевченко кўчаси 68-уй.

«Ташкомиссионторг» магазинларига марҳамат қилинг!

КИНО

Қора консулнинг ҳалокати — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида, эрталаб соат 11.40, кундуз 3.20 минутларда ва кеч 7 да).

Утган кунлар (ўзбек тилида, эрталаб, соат 11 ярим, кундуз 1 да), Кашмирдаги севги (2-серия, ўзбек тилида, кундуз соат 3, кеч 6 ва 8 яримда): — КЎКЧА».

Қирол лир — (2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруни).

Журъат — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруни), «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 4, кеч 6 ва 9.40 минутда), — «МОСКВА», (кундуз соат 12, 4, 5.40 ва кеч 9.15 минутларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 да).

Ватан ўғлонлари (эрталаб соат 10 ярим ва кеч 7 да), Ўжар қизнинг қуёлиши (кундуз соат 12, 2 ярим, 5 ва кеч 8.45 минутда: — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Шишадаги нур — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруни). «ЧАЙКА» (кундуз соат 2 ва кеч 8 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

Муддат — 7 кун (кундуз соат 2, кеч 6 ва 9.45 минутда), Мазандарон шери (тоқ соатларда): — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Жаноби Ҳаким — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6, 8 ва 9.45 минутда).

Шайтоннинг малайлари — «Авлиё Луқмоннинг қайтиши — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (кундуз соат 2 ва кеч 7 яримда).

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИДА

31 МАРТГАЧА

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг пойафзал фабрикаларида ишлаб чиқарилган болалар оёқ кийимларини

СОТИШ-КУРГАЗМАСИ

Ўтказилади

7 апрель кундуз соат 2 да Тошкент Давлат медицина институти даволаш ва стоматология факультетларининг илмий совет кенгаши (морфология корпуси, 2-зал)да медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун:

Ю. М. Мамедов: «Адонис золотистини дармакологияси» деган темада.

7 апрель кундуз соат 2 да педиатрия ва санитария-гигиена факультетларининг илмий совет кенгаши (морфология корпуси, 1-зал)да биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун:

А. М. Рожкова: «Плацентар ачитқи гидролизатини олиш ва ундан очиқли муҳитларни тайёрлашда фойдаланиш» деган темада.

14 апрель кундуз соат 2 да даволаш ва стоматология факультетларининг илмий совет кенгаши (морфология корпуси, 2-залда медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун.

К. А. Ҳолиқов: «Абу Али Ибн Сино (Авиценна) асарларида одам анатомиясини тасвирланиши» деган темада:

14 апрель кундуз соат 2 да педиатрия ва санитария-гигиена факультетларининг илмий совет кенгаши (морфология корпуси, 1-зал)да биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун:

С. А. Ермакова: «Фаргона водийсида токсоплазмоз» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (К. Маркс кўчаси, 103-уйда танишиш мумкин.

Эҳтиёт

ЯНГИЛИКЛАРИ

ҒОЯТ МУҲИМ ВОҚЕА

БЕРЛИН

Бир вақтлар В. И. Ленин билан суҳбат қилиш шарафига муяссар бўлган немис ишчилар ҳаракати ветерани Дина Гельбке қуйидагиларни айтди: ленинчи КПСС съездлари партиянинг ва совет халқининг ҳаётидагина эмас, балки барча социалистик мамлакатларнинг ҳаётида, бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатида ҳам ғоят катта роль ўйнаб келмоқда.

Германия Бирлашган социалистик партиясининг аъзолари ва Германия Демократик Республикаси ҳамда бошқа социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, деди Д. Гельбке, КПСС XXIV съездининг беш йиллик план тўғрисидаги Директивалар лойиҳасини совет халқи билан биргаликда ўрганмоқдалар. Бу ҳужжат бутун дунё меҳнаткашларининг манфаатларига хизмат қилаётган СССРнинг куч-қудратини яққол кўрсатиб турибди.

ДЕҲЛИ

Маҳараштра штатида чиқадиган «Вишала сахьядри» газетаси қуйидагиларни ёзади: «КПССнинг XXIV съезди халқаро ҳаётдаги энг муҳим воқеаларнинг бири, Совет Иттифоқидаги коммунистик қурилишнинг янги босқичи». Энг зарур бўлган баъзи моллар нархининг қамайтирилганлиги, деб таъкидлайди газета, совет кишилари яхши ва бахтли ҳаёт кечираётганликларини кўрсатиб турибди.

Гужорат штатининг пойтахти Аҳмадободда чиқадиган «Матруб хуми» газетаси Совет Иттифоқининг янги беш йиллик плани ривожланиб бораётган мамлакатлар учун халқаро майдонда жуда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

ДАМАШҚ

Сурия жамоатчилиги КПСС XXIV съездининг чақирилиши халқаро майдондаги муҳим воқеа деб ҳисобламоқда. Маҳаллий газеталар, радио ва телевидения Совет Иттифоқида саккизинчи беш йиллик планнинг бажарилиш якунлари тўғрисидаги материалларни ва КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳаси ҳақидаги материалларни эълон қилмоқдалар.

Сурия Коммунистик партиясининг органи «Нидалб аш-шаъб» газетаси «КПСС XXIV съезди олдидан» деган махсус бўлим очди. Газета бу съезд СССР халқларининг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, бундай деб ёзади: Совет Иттифоқи Коммунистик партияси қисқа вақт ичида қолоқ Россияни қудратли социалистик давлатга айлантира олди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 03249. ИНДЕКС — 64697. № А—1716.